
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ
ВА
ТАЪЛИМ**

2

2021

Тошкент

МУНДАРИЖА

МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКАЯ ПОЛИТИКА

Саидов М.С.	Табиий монопол ташкилотларни бошқаришнинг назарий-услубий жиҳатлари.....	6
-------------	--	---

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА

Аюпов Р.Х., Отақўзиева З.М. Умарова Н.Х., Одилова Д.Б. Ражамурадов Х.З., Гулямов С.С.	Рақамли иқтисодиёт шароитларида почта алоқаси хизматларини ривожлантириш йўналишлари..... Цифровая экономика в рамках концепции устойчивого развития государства..... Эффективность использования информации в сельском хозяйстве.....	14 19 24
--	--	----------------

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ИННОВАЦИЯ И ИНВЕСТИЦИЯ

Мансуров С.Ю., Мансуров Ю.Н., Туракулов А.Х. Тешабоева З.Т.	Выгода, полученная внедрением новых методов государственного управления экономической миграцией и инновациями..... Повышение доли наукоёмкого сектора - важное направление построения инновационной экономики.....	28 36
--	---	----------

СТАТИСТИКА СТАТИСТИКА

Эрназаров Ғ.Б.	Уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини статистик ўрганишда илғор хорижий тажрибалар ва улардан самарали фойдаланиш йўллари.....	39
----------------	--	----

БАНК ИШИ БАНКОВСКОЕ ДЕЛО

Каримов Н.Г., Ванг Чжен Shermukhamedov B.U.	Мониторинг маркетинговой деятельности коммерческого банка по депозитной политике..... Tijorat banklari faoliyatida depozit siyosatini ishlab chiqish va joriy etishning xalqaro amaliyoti.....	45 50
Азларова А.А.	Рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини банк молиявий хизматларидаги аҳамияти.....	56
Мўминова М.Б.	Тижорат банкларида актив ва пассив операцияларни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	62
Нуримова Н.Ж. Юлдашева С.Ш.	Тижорат банкларида инсон ресурсларини бошқариш муаммолари..... Методы обеспечения и повышения конкурентоспособности банковской системы Республики Узбекистан.....	67 69
Умарова М.Б.	Ўзбекистонда рақамли банк хизматларини такомиллаштириш йўллари.....	74

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ И АУДИТ

Мухаметов А.Б., Абдувахидов А.А., Матрасулов Б.Э., Пардаев О.И.	Учет амортизации основных средств по МСФО.....	79
Хамдамов Б.К., Суюнова А.Р.	Вопросы организации учета и аудита в условиях перехода экономики Узбекистана в цифровой формат.....	85

САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ ЭКОНОМИКА ПРОМЫШЛЕННОСТЬ

Абдувахидов Ф.Т., Дадабаев Ш.Х.	Товар-моддий захиралар таҳлилини такомиллаштириш масалалари.....	90
Абдуллаева С.Х.	Тўқимачилик маҳсулотлари бозорларининг халқаро ва ҳудудий конъюнктураси: жорий ҳолат таҳлили.....	96
Абдуллаева М.Н.	Оценка стратегических позиций металлургических предприятий Республики Узбекистан.....	101
Жумаев О.С., Оқбоев А.Р.	Тикув-трикотаж маҳсулотлари брендларига мижозлар муносабатини аниқлаш омиллари таснифи.....	107
Касимова Ф.Т. Муратова Ш.Н.	Развитие пищевой промышленности за рубежом, в России, в Узбекистане.. Саноат тармоқлари маҳсулотларининг иқтисодий-экологик хавфсизлигини таъминлашга услубий ёндашувлар.....	112 116

ТАБИЙ МОНОПОЛ ТАШКИЛОТЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада монополия, табиий монополия, табиий монополиянинг юзага келишининг иқтисодий ва технологик сабаблари, табиий монополияни тартибга солишининг назарий – услубий жиҳатлари, жумладан, электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёнидаги табиий монополия ҳолатлари ёритилган.

Калим сўзлар: монополия, табиий монополия, соф монополия, легал монополия, картель битимлар, салмоқли бузилиш, бозор нуқсонлари, генерирлаш, вертикал интеграциялаш, ўзлаштириш назарияси.

ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ УПРАВЛЕНИЯ ОРГАНИЗАЦИИ ЕСТЕСТВЕННОЙ МОНОПОЛИИ

Аннотация. В статье рассматривается монополия, естественная монополия, экономические и технологические причины возникновения естественных монополий, теоретические и методологические аспекты регулирования естественных монополий, в том числе указаны случаи естественных монополий в процессе производства электроэнергии.

Ключевые слова: монополия, естественная монополия, чистая монополия, юридическая монополия, картельные соглашения, значительные искажения, недостатки рынка, генерирование, вертикальная интеграция, теория освоения.

THEORETICAL-METHODOLOGICAL ASPECTS OF MANAGING NATURAL MONOPOLY ORGANIZATIONS

Abstract. This article describes the monopoly, natural monopoly, economic and technological reasons for the emergence of natural monopolies, theoretical-methodological aspects of the regulation of natural monopolies, including the state of natural monopolies in the process of electricity generation.

Key words: monopoly, natural monopoly, pure monopoly, legal monopoly, cartel agreements, significant distortions, market shortcomings, generating, vertical integration, assimilation theory.

Ҳар қандай ривожлан, ривожланаётган ёки ривожланмаган давлатларда табиий монопол ташкилотлари мажвуд. Маълум бир товар ёки хизматга талабнинг юқори эканлиги ҳамда иқтисодий ва технологик жиҳатдан рақобат муҳитини яратиш имкони бўлмаган ҳолатда табиий монополия вужудга келади.

Монополия – иқтисодиётнинг бир соҳада танҳо ҳукмронлик; бозорни ташкил этиш шакли. Бундай бозорларда ягона сотувчи ўз товари билан фаолият кўрсатади, бошқа тармоқларда бундай товарларнинг ўринбосари бўлмайди[1]. Монопол ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар (масалан, қўшилиб кетиш, келишиб олиш ёки картель битимлари) натижасида рақобат тўла-тўқис ўринли бўлган ва либерал анъаналарни сақлаб қолиш учун давлат аралашувини оқлайдиган шароитда вужудга келади. Монополия шунингдек, табиий ёки соҳада анча тақчил товарга нисбатан бўлиши мумкин. Бунда ишлаб чиқариш бирлигининг оқилона ҳажми бутун бозорни қондириш учун қаратилади. Қолган барча муқобиллар: давлат мулки ёки хусусий монополия кабилар давлат томонидан тартибга солиниши бундай вазиятда ўринсиз.

Бунда улардан энг кичигини танлаш муаммоси юзага келади[2].

Табиий монополиялар – бозорда муайян товарлар (ишлар, хизматлар) турларига бўлган талабни қондиришда рақобатли шароитларни яратиш технологик хусусиятларга кўра мумкин бўлмайдиган ёки иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлмайдиган ҳолат[3].

Табиий монополия ҳолати қуйидаги иккита сабабга кўра, юзага келиши мумкин:

1. Соҳада катта ҳажмдаги тежамкорлик имкониятлари мавжудлиги (ўсиб бораётган қайтим деб ҳам аталади);

2. Универсалликка ёки стандартлаштиришга бўлган мойиллик. Бунда истеъмолчилар фойдаланилаётган барча товарлар ва хизматларни (масалан, телефон компанияларининг универсал хизматлари, операцион тизимлар ва бошқалар) истеъмол қилишга кўпроқ мойилдирлар.

Табиий монополиялар вужудга келишининг ҳар икки шарт - шароити асосида битта нарса ётади. У ҳам бўлса, технологиядир. Биринчи ҳолатда технологияларнинг хусусиятлари табиий монополиялар вужудга келишига таклиф томонидан, иккинчисида эса талаб томонидан таъсир кўрсатади.

Технологик инновациялар ўз даврида табиий монополияларнинг вужудга келишига сабаб бўлган (масалан, XVIII асрда темир йўлларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, XX аср бошида электр, телефон, сув ўтказиш ва иситиш тармоқлари вужудга келиши ва ривожланиши кабилар). Шу билан бир қаторда айнан технологик ривожланиш бугунги кунга келиб, табиий монополиялар мақомини бузмоқда (масалан, уяли алоқа хизматининг ер юзи телефон линияси универсал хизматларига муқобил сифатида ривожланиши, иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқариш ва ҳоказо). Технологияларнинг мазкур хусусиятини ва капиталистик бозорларнинг ривожланишидаги ролини машҳур Австрия – Америка иқтисодчиси Жозеф Шумпетер аниқлади, у мазкур жараёни «салмоқли бузилиш»[4] (creative destruction) сифатида тавсифлади. Шумпетер ва унинг издошлари инновация ва технологик ривожланишни капиталистик бозорлар эволюцион ривожланишининг ундовчи омили сифатида ўргандилар.

«Табиий монополия» - тушунчаси ўзининг пайдо бўлиши жиҳатидан экономика классик мактабига хосдир, уни таҳлил қилиш учун талаб ва таклифнинг статик нисбати асос ҳисобланади.

Табиий монополия соҳаларининг мавжудлиги самаралироқ кўринишига қарамай (cost effective), классик сиёсий иқтисод назарияси томонидан табиий монополиялар анъанавий равишда бозор тамойилларининг бузилиши (market failure) сифатида ўрганиб, у қуйидаги фаразларга асосланади:

1. Маълумотлар (харажатлар, нархлар, талаб ва ҳоказолар тўғрисидаги) барча манфаатдор гуруҳлар учун қулай;

2. Фирма ўз фойдасини максималлаштиришга интилади;

3. Фойдани максималлаштирувчи товар (хизмат)ни ишлаб чиқариш нуқтасига чекланган харажатлар чекланган даромадларга тенг бўлган вазиятда эришилади, нарх эса талаб даражаси билан белгиланади.

Юқорида эслатиб ўтилганидек, бундай фаразлар истеъмолчиларга боғланганлик, ўртача харажатлардан талабни қондирадиган етарли миқдорда юқори нархлардаги товарларнинг ишлаб чиқарилмаслиги каби бозор нуқсонлари монополия шароитида ўринли бўлади, деган хулосага келишга асос бўлади.

Қуйидаги сабабларга кўра, табиий монополиялар сифатида қуйидагиларни мунтазам тарзда жорий этишни тақозо этади:

биринчиси, тартибга солувчининг бозор ҳолати тўғрисида (ишлаб чиқариш харажатлари, талаб ва ҳоказо) тўлиқ маълумотга эга бўлишлиги. Иккинчиси, тартибга солувчи тегишли ваколатларга эга бўлганлиги туфайли монопол товар ишлаб чиқариш ёки нархларни қайд этиш ҳолатида бўлади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, иқтисодиётни глобаллашув шароитида мамлакатимизда табиий монополияларни бошқаришда замонавий бошқарув усуллари жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан табиий монополияга қуйидагича таъриф бериш мумкин. **Табиий монополия** – бу, бозорда маълум бир товар (ишлар, хизмат)ларга бўлган талабнинг доимий ёки вақтинчалик технологик хусусиятларига кўра, эҳтиёжни қондириш борасида рақобат муҳитини яратиш имкони бўлмаган ёки давлат ва жамият иқтисодиётида ноқулай вазият туғдирувчи ҳамда истеъмолчи учун иқтисодий жиҳатдан самара келтирмайдиган ҳолатдир.

Бунда, талабнинг доимий ёки вақтинчалик технологик хусусиятларига кўра, дейилишини қуйидагича изоҳлаймиз: табиий монополиялар соҳаларини бошқаришда бозор иқтисодиётининг ҳар қандай шароитида ҳам замонавий бошқарувнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий усулларидан фойланишни ҳисобга олиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Уларга қўшимча сифатида, ўз-ўзини бошқариш; стратегик режалаштириш; инновацион менежмент; ички бозорни бошқаришда ташқи муҳит омиллари таъсири каби функциялардан фойдаланиш мумкин. Табиий монополия субъекти – бу, табиий монополия шароитида товар ишлаб чиқариш (сотиш) билан банд бўлган хўжалик ташкилоти, яъни ҳуқуқий шахсдир.

Демак, табиий монополия шароитида маълум бир товарлар учун бутун бозорни таъминловчи ягона ташкилотнинг мавжудлиги иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мисол учун темир йўлни олиш мумкин. Ушбу вазиятда рақобатни ривожлантириш мақсадида қўшимча равишда параллел темир йўлларни ёки юқори кучланишли электр энергияси линияларини қуриш оқилона бўлмайди. Шундай қилиб, табиий монополияларни тузиш асосида одатда катта тармоқнинг мавжудлиги ётади: темир йўл, труба ўтказгичлар, электр ва ҳоказо.

Ўзбекистонда табиий монополиялар соҳалари халқаро амалиётдагига қараганда

бир мунча кенгроқ. Уларнинг шаклланиши ўтиш даврида иқтисодиётни қайта қуриш ва бошқариш натижасида юзага келган тузилмалар билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»ги (1997 йил 24 апрелдаги N 398-I янги таҳрирда) қонунига мувофиқ Ўзбекистонда қуйидаги соҳалардаги табиий монополиялар субъектларининг фаолияти давлат томонидан тартибга солинади: нефть, газ конденсати, табиий газ ва кўмир қазиб чиқариш, нефть,

нефть маҳсулотлари ва газни қувурлар орқали ташиш, электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш, темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш, умумий эркин фойдаланиладиган электр ва почта алоқаси хизматлари, сув қувурлари ва канализация хизматлари киради[3].

Вужудга келиши ва технологик хусусиятига кўра, табиий монополияларни назарий жиҳатдан қуйидагича туркумлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Табиий монополияларни туркумланиши

Соф табиий монополия	Легал (қонуний) табиий монополия
<ul style="list-style-type: none"> - нефть, газ конденсати, табиий газ ва кўмир қазиб чиқариш; - умумий эркин фойдаланиладиган электр хизматлари; - сув қувурлари ва канализация хизматлари. 	<ul style="list-style-type: none"> - нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувурлар орқали ташиш ва узатиш; - темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш; - умумий эркин фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари.

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Соф табиий монополия – технологик ва географик жойлашиши нуқтаи назаридан рақобат шароитини яратиш имкони бўлмайди.

Легал табиий монополия - технологик ва географик жойлашиши нуқтаи назаридан рақобат шароитини яратиш мумкин, лекин иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлмайди.

Табиий монополия соҳасига мисол сифатида электр энергетикаси соҳасининг иқтисодий тавсифларини кўриб чиқамиз, бу хусусиятлар мазкур соҳани табиий монополия соҳаси сифатида қайд этишга асос яратмоқда.

Электр энергетика соҳаси тахминан 100 йилдан буён мавжуд ва бу вақт ичида қатор таркибий, технологик ва тартибга солиниши жиҳатдан ўзгаришларни босиб ўтди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда (1945-1960 й.) электр энергетикаси соҳасида нарх урушлари, картеллар, олигополияларнинг антимонопол хатти-ҳаракатлари сингари белгилар намоён бўла бошлади. Техника тараққиёти генерирлаш ва узатиш кўламлари ҳамда тавсифларини муҳим даражада ўзгартирди. Самарали қувватларнинг энг кам ҳажми ўсди. Бу даврда кўпгина давлатлар бутун электр энергетикаси соҳаси табиий монополиялар соҳасига тааллуқли, деган хулосага келдилар. Бузғунчи монополистик хатти-ҳаракатларни муваффақиятли бартараф қилиш давлат мулкчилиги ва пухта тартибга солишнинг жорий қилиниши билан амалга оширилади. Францияда «Электрисите де Франс» 1946 йилда тузилди. Италия 1962 йилда

Европа мамлакатлари орасида охири бўлиб электрлаштириш соҳасида давлат монополиясини яратди.


АҚШда эса бошқачароқ модел, яъни мустақил орган томонидан тартибга солинадиган хусусий мулкчилик ҳукмронлик қилди. Бироқ федерал ёки муниципал мулкчиликдаги электростанциялар ва корхоналар сақланиб қолди.

Маълумки, электр энергияси – бу бир жойда сақланмайдиган маҳсулот. Электр энергиясига бўлган талаб вақт, кун ва йилдан келиб чиқиб, кучли тебраниб туради ва бу тебранишлар модели барқарор эмас. Электр энергияси таклифи ишлаб чиқаришнинг тўртта вертикал ўзаро боғлиқ босқичлари билан боғлиқ: электр энергиясини генерирлаш; узатиш; тақсимлаш; пировард истеъмолчига етказиш (1-расм).

Генерирлаш – бу қандайдир энергия турини электр энергиясига айлантириш (ёқилғи ҳар хил турлари (кўмир, нефть, газ)ни ёқиш ёки сув ёхуд шамол кинетик энергиясидан фойдаланиш йўли билан) жараёнидир. Генерирлашган корхоналарнинг ҳар хил турлари доимий (биринчи навбатда, қувватнинг ўзи) ва ўзгарувчан (кўпроқ ёқилғи) харажатлар турлича нисбатлари билан тавсифланади.

Электр энергиясини генерирлаш - қайтарилмайдиган юқори харажатли, капитал сиғимли ишлаб чиқаришдир. Қайтарилмайдиган харажатлар ҳажми турли энергетика ресурсларидан фойдаланиш бўйича фарқланади.

Бундан ташқари, электр энергиясини ишлаб чиқариш (ҳар қандай ресурслардан фойдаланилганда) катта экологик харажатлар билан боғлиқ. Экологик характердаги талабларга риоя қилиш устидан самарали назорат зарур бўлиб, у катта инвестицияларни талаб этади. Бироқ генерирлаш ўз ҳолича табиий монополия белгиларига эга эмас ва потенциал рақобат соҳаси ҳисобланади.



1-расм. Электр энергетикаси соҳасини табиий монополияга айлантирадиган иқтисодий хусусиятлар (мантиқий тасаввур)

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Электр энергиясини узатиш ва тақсимлаш қимматли бўлиб, капитал сиғимлилиги, ҳамда юқори қайтарилмайдиган харажатлар билан тавсифланади ва табиий монополиялар тавсифларига эга. Узатиш линияларини қуриш ва фойдаланиш бўйича юқори харажатлар билан бир қаторда, электр энергиясининг муқаррар йўқотишлари харажатлар катта улушини ташкил этади. Самарали ишлаб чиқариш йўқотиш унсурларини ўз ичига оладиган табақалашган нархларга йўналтирилиши керак.

Замонавий шароитларда электр энергетика тармоғида рақобат муҳитини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш соҳасидаги фаолиятнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Шу сабабли электр узатишнинг замонавий тизими тармоқ генераторлари ва эгалари (операторлар) ҳаракатини ҳар дақиқада мувофиқлаштиришни талаб қилади. Айнан шу генерирлаш ва узатиш анъанавий равишда вертикал интеграциялашгандир. Электр энергетикасидаги вертикал интеграциялашганлик соҳанинг мумкин бўлган таркибий ўзгаришларига муайян чекловлар киритди. Генерирлаш ва узатишни бирлаштирганда ишлаб чиқариш ҳажмидаги тежамкорлик юзага келади ва табиий монопол муҳит шаклланади, гене-

рирлаш ўз-ўзидан уни яратмайди. Шу туфайли генерирлаш ва узатиш ўртасидаги юз бераётган мувофиқлаштиришнинг йўқотилиши билан боғлиқ зарарларнинг генерирлаш соҳасида рақобатни жорий этишдан олинган фойдадан ошадими, деган масала таркибий сиёсатнинг туб масаласи ҳисобланади.


Айнан, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчига етказиб бериш 1-расмда келтирилган ҳолатда амалга оширилади. Бунда ҳар бир тўрт босқичда занжирсимон ҳолатда табиий монополия вазиятини юзага келтиради.

Бизнинг республикамизда ҳам 2019 йил 27 март санасигача истемолчиларга электр энергиясини етказиб бериш худди кўринишда амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249 сонли “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Яъни қарор мазмунига кўра, электр энергетика тармоғининг ишончли фаолият юритишини таъминламасдан туриб иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат ҳудудларининг саноат салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга эришиб бўлмайди.

Шу сабабли, амалдаги “�збекэнерго” АЖ фаолияти қарордан кейин урта акционерлик жамиятига яъни, “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятларига айлантирилди.

Қарор ижроси таъминланиши натижасида истеъмолчиларга электр энергиясини тақсимлаш ва етказиб бериш босқичи табиий монополия вазиятидан, эркин рақобат муҳитини яратиш имконияти берувчи ҳолатга олиб келинди (2-расм).



2-расм. Электр энергетикаси соҳасини табиий монополияга айлантирадиган иқтисодий хусусиятлар (2019 йил 27 март санасидан кейинги ҳолат, мантиқий тасаввур)

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Шундай қилиб, тармоқнинг асосий тавсифлари қуйидаги тарзда жамланиши мумкин: электр энергияси бир жойда сақланмайди; унга бўлган талаб кучли тебранишлар билан фарқланади; социал харажатлар ва атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ харажатлар юқори; тармоқ капитал сиғимлилиги, юқори қайтарилмас харажатлар билан фарқланади; узатиш ва тақсимлаш (транспортроқлаш соҳаси) табиий монополиялар белгисига эга; шу билан бир вақтда генерирлаш ва етказиб бериш сингари потенциал рақобатли тармоқ вертикал занжир бўйича, аynиқса, генерирлаш ва узатиш ўртасида доимий ва пухта мувофиқлаштиришни талаб этади, бу ҳар қандай таркибий ўзгариш учун чеклов ҳисобланади; технология генерирлаш ва узатиш ўртасидаги алоқаларнинг узилишига йўл қўймайди.

Юқоридаги технологик хусусиятлардан келиб чиқиб, бизни энг аввало, табиий монополияларнинг мавжудлиги билан белгиланган тартибга солиш қизиқтиради. Ҳозирги замонавий бошқарув назариясида табиий монополияларни тартибга солишга нисбатан икки хил ёндашув мавжуд: позитив ва меъёрий.

Позитив ва меъёрий тадқиқотлар тартибга солиш муаммосига турлича ёндашадилар. Меъёрий ёндашув табиий монополияларни, умуман, тартибга солишни кўзда тутаяди, ammo меъёрий даражада бўлиб, тор доирадаги

тадқиқотни қамраб олади. Шунинг учун позитив ёндашишга эътибор қаратамиз.

Табиий монополияларни позитив тартибга солиш назариялари. Иқтисодий сиёсат нуқтаи назаридан (позитив ёндашув) тартибга солишнинг муҳим белгиси – у даромадларни қайта тақсимлаш орқали ғолиблар ва ютқазганларни вужудга келтиради ва мос равишда, манфаатдор гуруҳлар ва ташкилотларни шакллантиради. Шу сабабли позитив характердаги кўплаб тадқиқотлар мавжуд бўлиб, улар тартибга солишга соф табиий монополия ёндашувига қараганда, бир мунча кенгроқ ёндашадилар. Улар тартибга солиш органларини тузишни, уларнинг фаолиятларини ташкил қилиш масалаларини ўрганадилар. Кенг тарқалган позитив назарияларга ижтимоий манфаатлар назарияси, «асирга тушиш» (ўзлаштириш) назарияси, тартибга солишнинг иқтисодий назарияси каби назариялар қиради.

Ижтимоий манфаатлар назарияси охириги пайтларда иқтисодчилар орасида катта қўллаб-қувватлашлар билан фойдаланилган. Масалан, Уинстон шундай деб ёзади: “Мазкур назариянинг кучсизлиги шундаки, у тартибга солиш ва тартибга солинадиган корхоналарнинг ўзлари мутлақо тўлиқ ва аниқ маълумотларга эга бўлган ижтимоий фаровонлик максимизаторлари орқали бошқарилади, деган фаразга асосланади”[5].

Бошқа назария – тартибга солувчи органларнинг «асир тушиши» (ўзлаштириш) назарияси (capture theory) шуни кўрсатадики, қандай бошланғич мўлжаллар тартибга солувчи органларга берилишидан қатъий назар, улар ўзларининг хусусий манфаатларини қондириш учун фаоллик йўналишларини ўзгартиришлари мумкин. Ўзлаштириш назариясининг мазмуни қуйидаги ҳолатлардан келтириб чиқарилади[6]:

- давлат “легал” мажбурлаш ҳоқимиятига эга ва шу тариқа, тартибга солиш “таклифи” устидан монопол назорат олиб боради;

- давлат томонидан тартибга солиш амалда мусобақалашувчи корхоналарни нарх урушларидан ҳимоя қилиши ва фойдали бозорларга киришини бартараф қилиши мумкин;

- тартибга солинадиган корхоналар тартибга солинмайдиган корхоналарга қараганда кўпинча комфорт (ҳар томонлама қулай) ва фойдали амал қилсалар, хусусий корхоналар тартибга солиш таклифи учун курашадилар;

- АҚШ Халқаро Савдо Палатаси ва Алоқа Федерал комиссияси сингари тартибга солиш органлари “бозор нуқсонлари”ни тузатиш ниятида тузилган, вақт ўтиши билан бундай турдаги органлар улар тартибга соладиган корхоналар томонидан “ўзлаштиришга” тортиладилар. Яъни тартибга солувчи орган тартибга солинадиган корхоналар манфаатларига хизмат қиладиган мунтазам тадбирлар кўришга у ёки бу тарзда мойил бўладилар.

Ўзлаштириш назариясининг кўрсатишича, тартибга солинадиган корхона тартибга солинмайдиганига қараганда ўртачадан юқорироқ фойда олади. Шу билан бирга ўзлаштириш назарияси ҳам бир қатор камчиликларга эга бўлиб, улар қуйидагича[7]:

- тартибга солувчи органнинг ўзлаштириш жараёнини назарий жиҳатдан асосламайди;

- тартибга солинадиган тармоқларда кенг қўлланиладиган биргаликда субсидиялаш билан келиша олмайди;

- тартибга соладиган органлар томонидан кўриладиган қатор мунтазам чораларни тушунтириб бера олмайди, аммо уларга тартибга солинадиган корхоналар қарама – қарши туради.

Шундай қилиб, иқтисодчи – назариётчилар мазкур тартибга солиш ўзининг ишончли самарасига эришиши тўғрисидаги фикрга шубҳа билан қарайдилар. Тартибга солинадиган корхоналар томонидан тартибга солишни


очиқдан – очиқ хаспўшшлаш ҳолатлари ҳам учрайди. Шу билан бирга, корпорациялар тартибга солишга қарши чиққанларига мисоллар ҳам амалиётда учрайди – бундай тартибга солиш чораларига «Атроф-муҳит муҳофазаси тўғрисида»ги, «Экология тўғрисида»ги, «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги Қонунларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, тадқиқотчилар «бозор нуқсонлари»[7] мавжуд бўлган тармоқларда тартибга солиш натижасида юзага келадиган самарасизликни жуда осон топадилар.

Тажирибаларнинг кўрсатишича, маълум ҳолатларда тартибга солиш «бозор нуқсонлари»ни чуқурлаштириши мумкин. Шу сабабли тартибга солиш ҳамиша ҳам ўзини оқламайди. Профессор Тим Бреннан машҳур Windows операцион тизимига эга бўлган Майкрософт Корпорациясига табиий монополиянинг айрим соҳаларини тартибга солишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини тушунтиради[7].

Унинг фикрича, компьютерлар учун операцион тизим соҳасини самарали тартибга солиш амалда мумкин эмас. Биринчидан, мазкур тармоқларнинг технологик хусусиятлари бунга имкон бермайди. Дастурий таъминот соҳасидаги технологиялар шунчалик тез ўзгаряптики, улар мазкур соҳадаги бизнес фаолиятини чеклаш ёки тартибга солишнинг имконини бермаяпти. Иккинчидан, мазкур соҳа фаолияти юқори даражадаги фан тараққиётига ва кўпгина ноу – хау ва патентларга боғлиқ бўлади. Windows операцион тизимини ишлаб чиқариш бўйича компания харажатларини ҳисоблаш ва унинг маҳсулотига «адолатли» нархларни ўрнатишни дунёда ҳали ҳеч ким ўйлаб кўргани йўқ.

1960 йилларда табиий монополияларнинг «босиб олиниши», деб номланган жараён бошланди. Айрим соҳалардаги табиий - монопол шароитлар бузила бошлади, фақат чекланган табиий - монопол тузилмалар, тақсирот ва узатиш тармоқлари (3-расмда йўғон чизик билан кўрсатилган жойлар)гина сақланиб қолди.

Айрим тартибга солинадиган соҳалар (ҳаво йўли орқали юк ва йўловчилар ташиш, автоташишлар, темир йўл орқали юк ташиш, газ қазиб олиш, электр энергиясини ишлаб чиқарувчилар) да кўриш мумкин. Лекин, 1970 - йиллардан бошлаб табиий монопол жараёнларни янгича тушуниш ва уларга янгича ёндашишлар ривожлана бошлади. 1980-1990 йиллардаги табиий монополияларнинг бузилишида айниқса, юқори суръатларда кучайди.



3-расм. Айрим табиий монопол шароитларнинг бузилиши

Манба: "Knowledge Problem", *Commentary on Economics (journal), Information and Human Action*, August 2014.

Айрим тартибга солинадиган соҳалар (ҳаво йўли орқали юк ва йўловчилар ташиш, автоташишлар, темир йўл орқали юк ташиш, газ қазиб олиш, электр энергиясини ишлаб чиқарувчилар) да қўриш мумкин. Лекин, 1970 йиллардан бошлаб табиий монопол жараёнларни янгича тушуниш ва уларга янгича ёндашишлар ривожлана бошлади. 1980 - 1990 йиллардаги табиий монополияларнинг бузилишида айниқса, юқори суръатларда кучайди.

Табиий монополияларни таърифлашдаги айрим жиҳатлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Таърифланишича, агар битта ташкилот икки ёки учта ташкилотларга қараганда бозорда кам харажатлар билан хизмат кўрсатиши мумкин бўлса, унинг ишлаб чиқариш технологияси табиий монополия хоссаларини ўзида намоён этади. Бошқача айтганда, тегишли ишлаб чиқариш ҳажмида ишлаб чиқариш кўлаmidан (бир маҳсулотли табиий монополия ҳолатида) ва ишлаб чиқариш қамровидан (кўп маҳсулотли табиий монополия ҳолатида) тежаш самарасини ифодалайди.

Агар чекланган ишлаб чиқариш харажатлари тегишли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмидаги ўртача харажатлардан кам бўлса, яъни маҳсулот бир бирлигига харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши билан камайиб борса, ишлаб чиқариш кўлаmidаги тежамкорлик юзага келади. Бир маҳсулотли ташкилот учун ишлаб чиқариш кўлаmidаги тежамкорлик – табиий монополия амал қилиши учун етарли асос бўлади.

Шундай қилиб, биз табиий монополияларнинг вужудга келиши асосида битта нарса – технология ётишини ўрганиб чиқдик. Бир вазиятда технологиялар таклиф томонидан табиий монополияларнинг катта тежамкорлик натижасида пайдо бўлишига таъсир қилиши мумкин бўлса, бошқа вазиятларда универсалликка, стандартлаштиришга мойиллик сингари талабнинг тавсифлари бунга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, табиий монопол ташкилотлари хўжалик юриртишининг иқтисодий нуқтаи назардан оқилона шакли сифатида тан олиншига қарамай, монополизм туфайли келиб чиқадиган қуйидаги муаммолардан ҳоли эмас:

- соф рақобат ҳолатидагига қараганда, ишлаб чиқаришнинг кам миқдори шароитида нархлар юқори бўлади;

- монопол ҳокимиятдан ёмон мақсадларда фойдаланиш (масалан, камситишнинг ҳар хил турлари). Шу сабабли ҳатто иқтисодиётнинг либерал мактаби ҳам мазкур бозорларни тартибга солиш шаклидаги аралашувни анъанавий равишда ёқлаган.

Бироқ табиий монопол ташкилотларни бошқаришни тартибга солиш, айниқса давлат томонидан юқори даражада тартибга солиш охириги пайтларда назариётчи – иқтисодчилар томонидан кескин танқидга учрамоқда. Иқтисодчиларнинг танқидидан асосий хулосаларни қуйидаги бандларда баён қилиш мумкин:

- тартибга солиш тез ўзгарадиган соҳа ҳисобланади, шу сабабли ушбу босқичда эришиладиган ҳар қандай натижалар, иқтисодий ва технологик ҳолатлар вақт ўтиши билан ўзгаришларга тортилади;

- тартибга солишнинг оммавий баён қилинган мақсадлари устувор бўлганлиги учун

ҳам иқтисодчилар уни устувор амалиёт сифатида қабул қилишни хоҳламайдилар. Бизнеснинг тартибга солиш фақат тўғри рағбатларни яратган шароитлардагина кўзланган натижага эришишни таъминлайди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Тошкент. 6-том. 2004 й. 77 бет.
2. Фридман М. Либерализм, журнал "Collier's Year Book", 1955. 56 бет.
3. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Тошкент 8-том. 2004 й. 215 бет.
4. Josephr Alois Schumpeter, (1883-1950), "Capitalism, Socialism and Democracy" (1942).
5. Уинстон. "Ижтимоий фаровонлик максимизаторлари – қандайдир шахсий рағбатларсиз мутлақо ижтимоий фаровонликни ўстиришга ишловчи шахслардир. 1993, 126 бет.
6. Джордж Стиглер. Теория экономического регулирования Bell journal of Economics, 2. 1973. -21.
7. "Knowledge Problem", Commentary on Economics (journal), Information and Human Action, August 2014.